

УДК: 619:636.2:591.13:616-084

**ДИСПАНСЕРЛАШ ЁРДАМИДА СИГИРЛАРДА КАТТА ҚОРИН
АЦИДОЗИННИГ ТАРҚАЛИШИНИ АНИҚЛАШ НАТИЖАЛАРИ**

Хайитов Б.Н. – в.ф.ф.д., (PhD)

Мелиқўзийев Н. - талаба.

Тўхтаев С. - талаба.

**Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва
биотехнологиялар университети**

Аннотация. Республикализнинг Самарқанд, Навоий ва Қашқадарё вилоятларидағи фермер хўжаликлари шароитида юқори маҳсулдор сигирларда каттақорин ацидозининг йил фасиллари бўйича тарқалиши келтирилган.

Summary. *The distribution of rumen acidosis in high-yielding cows by season in the conditions of farms in the Samarkand, Navoi, and Kashkadarya regions of our republic is presented.*

Калит сўзлар: ацидоз, ламинит, сут кислотаси ва УЁК, катта қорин суюқлиги муҳити (pH), катта қориннинг сурункали ацидозида (КҚСА)

Мавзунинг долзарблиги. Республикаизда олиб борилаётган аграр ислохатларнинг амалга оширилишида четдан келтирилган зотли қорамоллар касалликлари, хусусан, овқат ҳазм қилиш ва модда алмашинуви бузилиши касалликлари катта тўсиқлардан бири бўлиб келмоқда ва чорвачиликка катта иқтосодий зарар етказмоқда. Ҳозирги вақтда юқори маҳсулдор сигирларни озиқлантиришда чорвачилик фермаларининг рациони юқори концентраттипида эканлиги ва сифатли пичаннинг етишмаслиги натижасида чорва молларининг овқат ҳазм қилиш тизимининг, шу жумладан, ошқозон олди бўлимлари касалликлари негизида катта қорин ацидози касаллиги кузатилмоқда.

Тадқиқотнинг мақсади маҳсулдор сигирларда катта қорин ацидозининг эртаки ташхис усулини ишлаб чиқиш ва даволаш ҳамда гурӯхли олдини олиш усулларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотлар обьекти ва услублари. Диспансерлаш ёрдамида сигирларда катта қорин ацидозининг тарқалишини аниқлаш натижаларига қаратилган илмий тадқиқотлар Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетининг “Ички юқумсиз касалликлар” кафедрасида, Самарқанд вилоятининг Оқдарё тумани «Агро-Браво чорваси», Пайариқ тумани «Очилов Махмуджон даласи», Навоий вилоятининг Қизилтепа тумани «Янги аср», Қашқадарё вилоятининг Чироқчи тумани «Омадли Зарнигор» фермер хўжаликларида олиб борилди.

Олинган натижалар таҳлили. Илмий тадқиқотлар ўтказилаётган хўжаликларда парвариш қилинаётган маҳсулдор сигирларда катта қорин ацидозининг тарқалиши 2018 - 2021 йиллар давомида ўрганилиб таҳлил қилиниб борилди, бунда ушбу вақт мобайнида аниқланган кўрсаткичларнинг

йил фасиллари, хўжаликдаги ҳайвонлар сақлаш ва озиқлантириш жиҳатлари билан чамбарчас алоқадор эканлиги кузатилди.

Сигирларда катта қорин ацидози касаллигининг фасллар бўйича тарқалишини ўрганиш мақсадида қорамолчилик ихтисослашган фермер хўжаликларидаги сигирларни «ўхшаш жуфтликлар» тамойили асосида буғозлик даврининг 8-9 ойлари ва сут бериш даврининг 1-2, 4-5 ва 7-8 ойларида уйғун диспансерлаш тамойили орқали текширишлардан ўтказилди. Сигирлардан олинган ошқозон суюқлиги ва қон намуналари лаборатор текширишлардан ўтказилди. Катта қорин суюқлигини pH кўрсаткичи, ундаги инфузориялар сони, тури ва функционал фаоллиги, қон намуналарида эритроцит ва лейкоцитлар сони, гемоглобин, умумий оқсил, глюкоза ва кетон танаачалари миқдорларини аниқлаш орқали фасллар кесимида тарқалиши худудлар миқёсида аниқланди.

Самарқанд вилоятининг Оқдарё туманига қарашли «Агро-Браво чорvasi» фермер хўжалиги шароитида парвариш қилинаётган 110 бош Голиштейн зотли сигирларнинг 2018 йил ёз фаслида 20%, куз фаслида 33,6%, қиши фаслида 66,4% ва баҳор фаслида 58,2% ида катта қорин ацидози касаллиги аниқланди. Ушбу фермер хўжаликдаги сигирларда катта қорин ацидози касаллигининг тарқалиши кейинги йилларда ҳам фасллар кесимида ўрганиб бориш натижаларида аниқланди, 2019 йилда 90 бош сигирларнинг ёз фаслида 22,2%, кузда 37,8%, қишида 68,9% ва баҳор фаслида 62,2% ида, 2020 йилда текширилган 150 бош сигирларнинг мос равища, 22%, 36%, 72% ва 64,7% ида, 2021 йилда текширилган 120 бош сигирларнинг, мос равища, 25%, 40%, 70% ва 60% ида катта қорин ацидози касаллиги қайд этилди. (1-жадвал).

1-жадвал

“АгроБраво чорvasi” фермер хўжалигидаги сигирларнинг касалланиш даражаси

Т/Р	Йиллар	Текширилган ҳайвонлар сони, (бош)	2018-2021 йилларда сигирларнинг касалланиш динамикаси									
			Ёз		куз		қиши		баҳор		ўртacha	
			сони	%	сони	%	сони	%	сони	%	сони	%
1	2018	110	22	20	37	33,6	73	66,4	64	58,2	49	44,5
2	2019	90	20	22,2	34	37,8	62	68,9	56	62,2	43	47,8
3	2020	150	33	22	54	36	108	72	97	64,7	73	48,8
4	2021	120	30	25	48	40	84	70	72	60	58,5	48,7
Жами		117,5	26,2	22,3	43,2	36,8	81,7	69,3	72,2	61,3	55,9	47,5

Самарқанд вилоятининг Пайариқ туманидаги «Очилов Маҳмуджон даласи» фермер хўжалиги шароитида парвариш қилинаётган маҳсулдор сигирлар орасида катта қорин ацидози касаллигининг тарқалиши 2018 йилда текширилган 40 бош сигирларнинг ёз фаслида 17,5%, куз фаслида 30%, қиши фаслида 47,5% ва баҳор фаслида 42,5% ни, 2019 йилда 50 бош текширилган сигирларнинг мос равища, 16%, 32%, 48% ва 40 % ни, 2020 йилда 50 бош текширилган сигирларнинг 22%, 30%, 52% ва 44 % ни, 2021 йилда 60 бош текширилган сигирларнинг мос равища, 20%, 35%, 50% ва 45 % ни ташкил этиши қайд этилди (2-жадвал).

2-жадвал

“Очилов Махмуджон даласи” фермер хўжалигидаги сигирларнинг касалланиш даражаси

Т/Р	Йиллар	Текширилган ҳайвонлар сони, бош	2018-2021 йилларда сигирларнинг касалланиш динамикаси									
			Ёз		куз		қиш		баҳор		ўртача	
			сони	%	сони	%	сони	%	сони	%	сони	%
1	2018	40	7	17,5	12	30	19	47,5	17	42,5	13,7	34,4
2	2019	50	8	16	16	32	24	48	20	40	17	34
3	2020	50	11	22	15	30	26	52	22	44	18,5	37
4	2021	60	12	20	21	35	30	50	27	45	22,5	37,5
Жами		50	9,5	18,9	16	31,7	24,7	49,4	21,5	42,9	17,9	35,7

Навоий вилоятининг Қизилтепа туманидаги «Янги аср» фермер хўжалиги шароитидаги маҳсулдор сигирларда катта қорин ацидози касаллигининг тарқалиши 2018 йилда 80 бош текширилган сигирларнинг ёз фаслида 25%, куз фаслида 32,5%, қиш фаслида 60% ва баҳор фаслида 52,5% ни, 2019 йилда 100 бош текширилган сигирларнинг мос равища, 29%, 43%, 75% ва 61% ни, 2020 йилда 90 бош текширилган сигирларнинг мос равища, 31,1%, 44,4%, 76,7% ва 68,9% ни, 2021 йилда 150 бош текширилган сигирларнинг мос равища, 30%, 50%, 80% ва 70%ни ташкил этди (3-жадвал).

3-жадвал

“Янги аср” фермер хўжалигидаги сигирларнинг касалланиш даражаси

Т/Р	Йиллар	Текширилган ҳайвонлар сони, бош	2018-2021 йилларда сигирларнинг касалланиш динамикаси									
			Ёз		Куз		Қиш		Баҳор		Ўртача	
			сони	%	сони	%	сони	%	сони	%	сони	%
1	2018	80	20	25	26	32,5	48	60	42	52,5	34	42,5
2	2019	100	29	29	43	43	75	75	61	61	52	52
3	2020	90	28	31,1	40	44,4	69	76,7	62	68,9	49,7	55,3
4	2021	150	45	30	75	50	120	80	105	70	86,2	57,5
Жами		105	30,5	28,8	46	42,5	78	72,9	67,5	63,1	55,5	51,8

Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманидаги «Омадли Зарнигор» фермер хўжалигидаги Симентал зотли сигирлар орасида катта қорин ацидози касаллигининг тарқалиши 2018 йилда диспансер текширувидан ўтказилган 90 бош сигирдан ёз фаслида 17,8%, куз фаслида 26,7%, қиш фаслида 46,7% ва баҳор фаслида 44,4 % ни, 2019 йилда текширилган 80 бош сигирларнинг мос равища, 22,5%, 30%, 51,2% ва 47,5% ни, 2020 йилда текширилган 60 бош сигирдан мос равища, 25%, 33,3%, 60% ва 53,3% ни, 2021 йилда диспансер текширувидан ўтказилган 70 бош сигирдан мос равища, 27,1%, 34,3%, 64,3% ва 61,4% ни ташкил этди (4-жадвал.).

4-жадвал

“Омадли Зарнигор” фермер хўжалигидаги сигирларнинг касалланиш даражаси

Т/Р	Йиллар	Текширилган ҳайвонлар сони, бош	2018-2021 йилларда сигирларнинг касалланиш динамикаси									
			Ёз		Куз		Қиш		Баҳор		Ўртача	
			сони	%	сони	%	сони	%	сони	%	сони	%
1	2018	90	16	17,8	24	26,7	42	46,7	40	44,4	30,5	33,9
2	2019	80	18	22,5	24	30	41	51,2	38	47,5	30,2	37,8
3	2020	60	15	25	20	33,3	30	60	32	53,3	24,2	42,9
4	2021	70	19	27,1	24	34,3	45	64,3	43	61,4	32,7	46,8
Жами		75	17	23,1	23	31	39,5	55,5	38,2	51,6	29,4	40,4

Хулоса

1. Катта қорин ацидози билан маҳсулдор сигирларнинг касалланиш даражаси ўртача 18,9-72,9% ни, шу жумладан, ёзда 18,9-28,8, кузда 31,0-42,5, қишида 49,4-72,9 ва баҳорда 42,9-63,1% ни ташкил этади.
2. Маҳсулдор қорамолларда катта қорин ацидозининг асосий сабаби 50-60% ҳолатда ҳайвонларни краҳмалга бой донли озиқалар устинлигига асосланган юқори концентрат типда, 40-50% ҳолатда эса паст тўйимлиликда озиқлантириш хисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Бакиров Б. Ҳайвонларда модда алмашинувининг бузилишлари ва жигар касалликлари // Монография. Самарқанд. -2016. -Б. 83-261.
2. Бакиров Б., Даминов А., Рўзиқулов Н.Б., Тайлоқов Т., Сайдалиев Д., Қурбанов Ш., Бобоев О., Худжамшукуров А. Ҳайвонлар касалликлари // Маълумотнома. Самарқанд. -2019. -Б. 157-160.
3. Бакиров Б., Хайитов Б.Н., Алибоев З. Маҳсулдор қорамолларда метаболизм бузилишларининг дарвозаси. // Ветеринария медицинаси. Тошкент, 2019. -№6. -Б. 22-24. (16.00.00; №4).
4. Бакиров Б., Хайитов Б.Н. Маҳсулдор сигирларда катта қорин ацидозининг пайдо бўлишида рациондаги қанд-протеин нисбатининг ўрни. // Ветеринария медицинаси. Тошкент, 2020. -№3. -Б. 17-20. (16.00.00; №4).
5. Бакиров Б., Хайитов Б.Н. Катта қоринда овқат хазмланишининг бош мезони. // Ветеринария медицинаси. Тошкент, 2020 -№10. -Б. 30-34. (16.00.00; №4).
6. Бакиров Б., Рўзиқулов Н.Б., Бобоев О.Р., Хайитов Б.Н., Аскаров С. Йирик ва майда шоҳли ҳайвонларни диспансерлашни йўлга қўйиш-соҳа истиқболи. // Ветеринария медицинаси. Тошкент, 2020. -№12. -Б. 3-6. (16.00.00; №4).
7. Бакиров Б., Хайитов Б.Н., Аскаров С. Маҳсулдор сигирларда катта қорин ацидозининг асосий метаболик жиҳатлари. // Ветеринария медицинаси. Тошкент, 2021. -№2. -Б. 8-10. (16.00.00; №4).
8. Bakhtiyor B., Khayitov B.N., Ruzikulov N.B. Scientific Basis for the Treatment and Prevention of Large Abdominal Acidosis in Productive Cows. // International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding. ISSN 2364-5369 Volume 8, № 9 September, Hamburg, Germany, 2021. –P. 442-452. (Impact Factor: SJIF 2021 = 6.879) <https://ijmmu.com/index.php/ijmmu/article/view/3063>
9. Хайитов Б.Н. Маҳсулдор қорамолларда катта қорин ацидозининг этиопатогенези ва даволаш ҳамда олдини олиш усусларини такомиллаштириш. Автореферат дисс...ветеринария фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). Самарқанд, 2022. –Б. 3-47.